

## “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар марказига талабаларнинг ташрифи

Жорий йилнинг 5-7 апрель кунлари Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан илк бор ташкил этилган “ИННОПРОМ-2021” халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Бу халқаро саноат кўргазмасида институтимизнинг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшларимиз ҳам фаол иштирок этишди. Айниқса, талаба ёшларимиз кўргазманинг асосий бўлимларидан: транспорт ва энергетика машинасозлиги, шаҳарлар учун технологиялар, металлургия ва материаллар, пластмасса ва каучуклар каби қисмларидан мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволлар бериб, қониқарли жавоб олишдилар.



**ЁБИБ бўйича декан муовини К.Усмонов ахбороти**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**